
ТОШЛОҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ КУБОГИ ҒОЛИБЛАРГА ТОПШИРИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, бугун "Юнон-рум" кураши бўйича I Халқаро Тошлоқ тумани ҳокими кубоги мусобақаси якунланди. Мазкур беллашув Тошлоқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят туризм ва спорт бошқармаси ҳамда туман бўлими, шунингдек, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида ўтказилди.

Мусобақанинг тақдирлаш маросимида туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев иштирок этиб, барча ғолиб ва совриндорларга медаль, диплом ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

540 нафар спортчилар иштирок этган халқаро мусобақада 80 нафар ёшлар ғолибликни қўлга киритдилар.

2022-01-27 20:15:28